



BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University

3/2024



3/2024



E-ISSN 2181-1466 ISBN 2181-6875

9 772 181 657004 9 772 181 657004

@buxdu_uz

@buxdu1

@buxdu1 www.buxdu.uz

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMY AXBOROTI
SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

Ilmiy-nazariy jurnal
2024, № 3, mart

Jurnal 2003-yildan boshlab **filologiya** fanlari bo'yicha, 2015-yildan boshlab **fizika-matematika** fanlari bo'yicha, 2018-yildan boshlab **siyosiy** fanlar bo'yicha, **tarix** fanlari bo'yicha 2023 yil 29 avgustdan boshlab O'zbekiston Respublikasi Olyi ta'lim, fan va innovatsiyalar Vazirligi huzuridagi Olyi attestatsiya komissiyasining dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqlolar chop etilishi lozim bo'lgan zaruriy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2000-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 12 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2020-yil 24-avgust № 1103-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: 200117, O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy.
Elektron manzil: nashriyot_buxdu@buxdu.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinnbosari: Rasulov To'lqin Husenovich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor

Mas'ul kotib: Shirinova Mexrigiyo Shokirovna, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Kuzmichev Nikolay Dmitriyevich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor (N.P. Ogaryov nomidagi Mordova milliy tadqiqot davlat universiteti, Rossiya)

Danova M., filologiya fanlari doktori, professor (Bolgariya)

Margianti S.E., iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Indoneziya)

Minin V.V., kimyo fanlari doktori (Rossiya)

Tashqarayev R.A., texnika fanlari doktori (Qozog'iston)

Mo'minov M.E., fizika-matematika fanlari nomzodi (Malayziya)

Mengliyev Baxtiyor Rajabovich, filologiya fanlari doktori, professor

Adizov Baxtiyor Rahmonovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Abuzalova Mexriniso Kadirovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor
Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor, xalqaro psixologiya fanlari akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Baqo耶va Muhabbat Qayumovna, filologiya fanlari doktori, professor

Bor'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Jumayev Rustam G'aniyevich, siyosiy fanlar nomzodi, dotsent

Djurayev Davron Raxmonovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Durdyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharofovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Umarov Baqo Bafoyevich, kimyo fanlari doktori, professor

Murodov G'ayrat Nekovich, filologiya fanlari doktori, professor

O'rareva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Ahmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rarev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Rasulov Baxtiyor Mamajonovich, tarix fanlari doktori, professor

Eshhayev Alisher Abdug'aniyevich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Quvvatova Dilrabo Habibovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmchedova Shoira Nematovna, filologiya fanlari doktori, professor

Bekova Nazora Jo'rayevna, filologiya fanlari doktori (DSc), professor

Amonova Zilola Qodirovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Hamroyeva Shahlo Mirjonovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Nigmatova Lola Xamidovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Boboyev Feruz Sayfullayevich, tarix fanlari doktori

Jo'rayev Narzulla Qosimovich, siyosiy fanlar doktori, professor

Xolliyev Askar Ergashovich, biologiya fanlari doktori, professor

Artikova Hafiza To'yumurodovna, biologiya fanlari doktori, professor

Hayitov Shavkat Ahmadovich, filologiya fanlari doktori, professor

Qurbanova Gulnoz Negmatovna, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

Ixtiyorova Gulnora Akmalovna, kimyo fanlari doktori, professor

Rasulov Zubaydullo Izomovich, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Mirzayev Shavkat Mustaqimovich, texnika fanlari doktori, professor

Samiyev Kamoliddin A'zamovich, texnika fanlari doktori, dotsent

Esanov Husniddin Qurbonovich, biologiya fanlari doktori, dotsent

Zaripov Gulmurot Toxirovich, texnika fanlari nomzodi, professor

Jumayev Jura, fizika-matematika fanlari nomzodi, dotsent

Klichev Qybek Abdurasulovich, tarix fanlari doktori, dotsent

G'aybulayeva Nafisa Izattullayevna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Ochilov U.S., Salimova H.H.	Abdulla Qodiriyning “O’tkan kunlar” va Teodor Drayzerning “Amerika fojiasi” asarlaridagi ona obrazlari milliy qadriyatlarning ifodalanishi	148
Rajabov A.O., Jalilova L.J.	Artistic psychologism in the works of J. Barnes	153
Khodjaeva D.I., Khametov I.R.	Romantic literature and the exploration of human nature relationship	159
Nasriyeva G.Z.	Amerika adabiyotida shaxs va jamiyat munosabatlari mavzularida ijod etgan namoyondalar	166
Ne'matova S.	Boburning insonshunoslik xususidagi qarashlari	170
Sidorkova L.R., Mekhriddinova O.Kh.	Temporal dimensions and their manifestation within the idiosyncratic framework of M.Y.Lermontov: an examination of temporality's role and evolution	175
Astanova Г.А.	“Минг бир кечা” асарининг хх аср ўзбек адабиётига бадиий таъсири	183
Oripova K.D.	Adabiyotshunoslikda yozuvchi biografiyasi va bola psixologiyasining o‘ziga xosligi	188
Haydarova N.A.	Tarjimada interdiskursivlikni qayta yaratishning o‘ziga xos xususiyatlari	192
Asgarova G.	Secret signatures of Nakhchivan correspondents and writers of “Molla Nasreddin”	196
Сандова Н.З.	Знаки и символы в повести Т.Пулатова «Оклики меня в лесу»: глубинный анализ	204
Qosimova N.F., Haydarova G.R.	Tarjima sifatini oshirishda tarjima strategiyalarining roli	209

MATNSHUNOSLIK VA MANBASHUNOSLIK * TEXTOLOGY AND LITERARY SOURCE STUDY
*** ТЕКСТОЛОГИЯ И ЛИТЕРАТУРНОЕ ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ**

Latipova S.A.	“Me’rojnomayi turkiy” – ilmiy-adabiy manba sifatida	213
---------------	---	-----

“NAVOIY GULSHANI”

Bekova N.J., Gulliyeva N.Z.	Navoiyning forsiy va turkiy she’riyatida irfoniy g’oyalarning badiiy talqinlaridagi o’xhashlik	217
-----------------------------	--	-----

FALSAFA VA HUQUQ, SIYOSATSHUNOSLIK * PHILOSOPHY, LAW AND POLITICAL SCIENCES *** ФИЛОСОФИЯ, ПРАВО И ПОЛИТОЛОГИЯ**

Niyozov A.K., Baxranova D.A.	Tanqidiy fikrlash g’oyasining etimologiyasi va kelib chiqishi	223
Sadullaeva M.A.	Number as the essence of things: Pythagorean philosophy	227
Muydinov D.N.	Yevropada irqchilik va ksenofobiyaning ortishi sabablari va oqibatlari	231
Селогина К.В.	Некоторые особенности нарциссических защит у релокантов из России в Республике Кыргызстан	238

TARIX * HISTORY *** ИСТОРИЯ**

Ergashov Z.B., Yakubov R.Y., Sultonov Z.N.	Birinchi rennesans davrida qomusiy allomalarimizning ilmiy faoliyati	245
Mamadjonov A.B.	O’zbekiston Turkiya munosabatlarda yangicha nuqtayi nazar	250
Mubinov M.A.	The brief review of works by english-speaking authors on the history of the Bukhara emirate	255
Umarov B.B.	Buxoro shahrining somoniylar davridagi tarixiga oid manbalar tahlili	259
Ташрова М.Х.	Истоки фармацевтики и основатели	264
Abdullaeva D.A.	XX asrning 20-40-yillarida Ark qo’rg’onining ta’mirlanish tarixi	270
Жуманиязов И.Р.	Koraқалпостонга чанг чолгу асбобининг кириб келиши ва ривожланиши	274

“МИНГ БИР КЕЧА” АСАРИНИНГ ХХ АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИГА БАДИЙ ТАЪСИРИ

Астанова Гулнора Аминовна,
Бухоро давлат университети,
ўзбек тилишunosлиги ва журналистика
кафеода профессори, ф.ф.д.
e-mail: guli4803@mail.ru

Аннотация. Шарқ ҳикоятчилиги усулида асар ёзишилик, хусусан, Шарқ адабиётининг нодир намунаси бўлган “Минг бир кечা” асари мотивлари таъсирида ижод қилини асрлар оша жаҳонга танилган адаблар асарларида ўзифодасини топган. Бу эса, мазкур асарнинг ўзбек адабиётига бадиий синтези нуқтаи назаридан унинг ўзбек адабиётига самарали таъсирини ўрганилиши зарур бўлган мавзуларга айлантиради. Мазкур мақолада асарнинг кўпегина сюжетлари XX аср ўзбек адабиёти ва мутафаккир адаблари ижодига таъсир кўрсатганилиги ҳақида баҳс юритилади. Зеро, XX аср ўзбек адабиёти хазинасини юксак маънавият ва бадиий дид билан безаб турған мазкур асарларнинг дунёга келишида “Минг бир кечা” дик муazzам асар таъсир кучининг нечоғлиқ юксак эканлигига амин бўламиш.

Калим сўзлар: »Минг бир кечা», Шахризода, ўзбек адабиёти, эртак, канизак, образ, бадиият.

ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ВЛИЯНИЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ «ТЫСЯЧА И ОДНА НОЧЕЙ» НА УЗБЕКСКУЮ ЛИТЕРАТУРУ ХХ ВЕКА

Аннотация. Написание произведений в методе восточного повествования, в частности, творчество под влиянием мотивов «Тысячи и одной ночи», являющегося редким образцом восточной литературы, нашло свое выражение в произведениях известных во всем мире писателей. века. Это делает необходимым изучение эффективного влияния данного произведения на узбекскую литературу с точки зрения ее художественного синтеза. В данной статье утверждается, что многие сюжеты произведения повлияли на творчество узбекской литературы и мыслителей 20 века. Ведь мы можем быть уверены, что в создании этих произведений, украшающих сокровищницу узбекской литературы XX века высокой духовностью и художественным вкусом, было велико влияние такого великого произведения, как «Тысяча ночей».

Ключевые слова: «Тысяча и одна ночь», Шахризода, узбекская литература, сказка, наложница, образ, искусство.

ARTISTIC INFLUENCE OF “THE ONE THOUSAND AND ONE NIGHTS” ON UZBEK LITERATURE OF THE XX CENTURY

Abstract. Writing works in the method of oriental storytelling, in particular, creativity under the influence of the Arabian Nights, which is a rare example of oriental literature, has found its expression in the works of world-famous writers century. This makes it necessary to study the effective influence of this work on Uzbek literature from the point of view of its artistic synthesis. This article argues that many of the plots of the work influenced the work of Uzbek literature and thinkers of the 20th century. After all, we can be sure that in the creation of these works, which adorn the treasury of Uzbek literature of the 20th century with high spirituality and artistic taste, the influence of such a great work as “A Thousand Nights” was great.

Keywords: “A Thousand and One Nights”, Shahhrizoda, Uzbek literature, fairy tale, concubine, image, art.

Кириш. XX аср бошида, аниқроғи, 1912-1913 йилларда “Минг бир кечা” асарининг Сидкий Хондайликий ҳамда Саййид Аҳрор Маҳдум томонидан форсийдан туркйига амалга оширилган таржимасидан сўнг, Туркистон диёрида ушбу асарга нишбатан қизикиш кучайди. Асарнинг бадиий синтези XX аср бошида даставал Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодида кўриниш берди. Буни биз Ҳамзанинг “Майсааранинг иши”[1;73] комедиясида кўришимиз мумкин. Ҳамзанинг “Минг бир кечা”даги сайёр сюжет асосида ёған комедиясига мавзу килиб олинган комик тасвир Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавий маънавий”сида ҳам мавжуд.

Маълумки, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий кариб чорак асрлик ижодий фаoliyati давомида ўзбек

LITERARY CRITICISM

классик ҳамда XX аср ўзбек адабиёти ўртасида ўзига хос кўпприк бўла олган, янги ўзбек адабиётининг туғилиши ва шаклланиши, унинг янги жанр ва шакллари билан бойишида ҳам бекиёс ўрин тутган ижодкордир. Шу ўринда Улуғбек Ҳамдам бир мақоласида: “Янги адабиёт асосчиларидан бири бўлиш учун ижодкорга истеъодди бўлиб туғилишининг ўзи камлик килади. Бунинг учун у ижодкор сифатида омади ҳам бўлиши шарт. Яъни унинг истеъоди билан давр эҳтиёжлари бир-бирига мувофик тушмоги керак. Худди Данте, Навоий, Пушкин зиммасига тушган омади кисмат янглиг. Шу маънода Ҳамза толеъи кулган ижодкор. У Бехбудий, Фитрат, Қодирӣ ва Чўллон билан бирга янги ўзбек адабиёти тамал тошини кўйган ижодкорлардан биридир”[2]. – деб ёзганида тўла ҳакли эди. Ҳамза Ҳакимзода ҳалқ орасида кенг тарқалган эртак ва афсоналарнинг кўпгини варзишларини билган. Шу жумладан, “Минг бир кечা” асари ҳам унинг севимли китобларидан бўлгандигини сезиш қийин эмас. Адабининг “Майсарапнинг иши” комедияси “Минг бир кечা” асарининг “Шаҳзода ва етти вазир” бобидаги олтиничи вазир ҳикояти сюжетига жуда ҳам яқинлигини кўришимиз мумкин. Шуниси диккатта сазоворки, “Майсарапнинг иши” комедиясида салбий тип ва образлар – сарой амалдорларидан тортиб, савдогар ва миршабларгача замонанинг ҳукмдорлари томонидан гувоҳлар асосида жазоланмайдилар, балки тадбирли, донишманд, аклии, хушёр, ишбилармон аёлларнинг ҳукми билан жазоланадилар ва кўпчилик лаънатига дучор бўладилар.

Асосий қисм. “Минг бир кечা”да эса ҳикоят戈яси бир оз бошқачарок. “Шаҳзода ва етти вазир” бобида гап вазирининг подшога аёллар макри ҳақида айтган ҳикоятлари устида боради. Савдогарнинг шахватпараст аёли макру ҳийла билан дурадгордан тортиб подшогача тузоқقا илинтиргани, охироқибат маъшуқини зиндондан куткариб, у билан бошқа шаҳарга қочиб қолгани лавҳалари тасвирланади. Табиийки, бунда китобхон аёлнинг ишлаттган макру ҳийаларидан ҳайратлансан-да, уни ҳеч қачон окламайди. У ҳамиша салбий образлигича қолаверади. Бирок ҳикоятнинг мақсади нафакат ўша замон аёлнинг макрини ошкор этиши, балки оддий дурадгордан бошлаб подшогача бўлган амалдорларнинг салбий хулқ-атворини ҳам очиб бериш эканлигини англаш қийин эмас.

“Минг бир кечा”нинг мазкур ҳикояти билан Ҳамзанинг “Майсарапнинг иши” комедиясидаги муштарак жиҳатлар – ижтимоий ахлоқ нормаларидан маҳрум бўлган диёнатсиз шахсларни фош килишга каратилганидадир. Шу ўринда таъкидлаша лозимки, “Минг бир кечা” сюжети асосидаги комик ҳолатга Ҳ.Ҳ.Ниёзий ижтимоий-ахлоқий тус бериб, XX аср бошидаги миллий фожиаларни трагикомедия шаклида кўрсатган. Айнан шу сюжет яъни, ахлоқсизлик фожиаси Абдурауф Фитратнинг “Арслон” драмасида ҳам мавжуд.

Фарқли жиҳати эса, “Минг бир кечা” ҳикоятидаги майший бузук амалдорлар билан бирга бу турга киравчи аёллар ҳам қаттиқ танқид остига олиниб, китобхон учун салбий образлар сифатида гавдаланса, комедияда вафодор, аклии, доно, чаккон, тадбиркор аёлларнинг ўз ёрларига нисбатан садокати, кези келганде чекадиган азоб-укубати, оғир хаётдан кутулиши учун турли тадбирлар ўйлаб топшиши, қолаверса “ҳийла” ишлатиши китобхон учун уларни ижобий образ сифатида гавдалантиради. “Майсарапнинг иши” комедиясида сюжет, образлар яратишдаги ихчамлилик, тилдаги равонлик каби хусусиятлар билан бирга асосий образларнинг шарҳланишида истехзоли, кинояли култи, ўтқир юмор ва сатиридан усталик билан фойланганлигини кўрамиз. Масалан, комедияда Майсара Мулладўста: “Шошманг, бўлмаса! Сигиримни сўйдирив кўювдим, мана шунинг терсинини олиб, киргандга устингизга ёниб, кўлларингизга икки түёгини боғлаб, оддингизга озгини сомон солиб кўяман. Киргандан кейин уни алдаб-сулдаб ухлатиб, кейин чиқариб юбораман”, – дейди[1;73]. Комедияда воеқа катта ва муҳим ижтимоий ҳодисаларни бадний акс эттириш асосида ривожланади. Бу ижтимоий ҳодисаларда феодал табака вакилларининг меҳнаткаш ҳалқни эзиши туфайли топган мол-дунёларини қандай қабиҳ ишларга сарфлаётганларни ҳалқ ижодининг ўтқир сатирик воситалари орқали фош қилинади. Бу фикрларни “Минг бир кечা”даги мазкур ҳикоятти нисбатан ҳам айтиш мумкин. Ҳикоятда аёлнинг амалдорларни тузоқка илинтириш мақсадиди Майсарапнинг тутган “йўл”и учун туртки бўлган, – десак янглишмаймиз. Бироқ нима бўлганда ҳам, биз “Минг бир кечা” ҳикоятида илгари сурилган гоя, яъни маъшуқанинг ошиғига эришиши учун тутган йўлини оқай олмаймиз. Ҳамза асарида маълум, яъни давр зулмкорларининг кирдикорларини фош этиши масаласи. Гарчи, Ҳамза ўз асарида мазкур ҳикоят сюжетига ўхшаш лавҳаларни ижод этган бўлса-да, у таҳсинга лойик. Ҳамзанинг “Майсарапнинг иши” комедиясини ёзишига, аввало, туртки бўлган вазият ҳам айнан XX аср бошидаги у яшаб турган ижтимоий-сиёсий муҳитидир. Натижада, XX аср аввалида ижтимоий-сиёсий хаётдаги янгиланишлар асрлар давомида Шарқ мумтоз адабиёти анъаналари руҳида тараққий этиб келаётган ўзбек адабиётида драматик тур пайдо бўлди. Драманинг туғилиши ўзбек адабиёти учун худди роман жанри каби янги адабий ҳодиса эди. Ҳамза ана шу ҳодисанинг бошида турди ва ўз драматик асарлари билан ўзбек драматургиясига асос солди. “Ҳамзанинг ўзбек драматургияси соҳасидаги фаолиятини

LITERARY CRITICISM

қисқача килиб, у ўз даври ҳалқ ҳәттини кўзгуга солиб кўрсатиб беришнинг уддасидан чиқди, дейиш мумкин"^[2].

"Минг бир кечা" ҳақида гап кеттганда беихтиёр адаб Faafur Fуломни ҳам ёдга оламиз. Негаки, Faafur Fуломнинг "Шум бола"^[3;141] асари бевосита "Минг бир кечা" билан боғлик. Маълумки, XX аср ўрталарига келиб, адабиётшунослигимизда Faafur Fулом ҳам шеърият, ҳам насрда бетакор маҳорат устаси бўлиб танилди. Xусусан, "Шум бола" қисссаси орқали муалиф ўзининг ҳозиржавоб, сўзга уста, комик вазият яратишга моҳирлигини кўрсата олган. Адабиётшуносликда мазкур асарнинг автобиографик характер қасб этиши, жанрий, гоявий-бадиий хусусияти, қаҳрамонлар олами ва ёзувчи маҳорати каби масалалар кенг ёритилган. Биз юқоридаги мулоҳазаларимизни далиллаш мақсадида "Шум бола"даги биргина тасвирга диккат қилиб, шу орқали Faafur Fулом маҳорати хусусида мулоҳаза юритмоқчимиз. Faafur Fуломнинг шоҳ асарлари қаторидан ўрин эгаллаган, ўзбек ҳалкининг қалб тўридан жой олишга сазовор бўлган мазкур "Шум бола"^[3;141] асарида китобнинг қизиқарлилик даражасини оширган лавҳаларни "Минг бир кечা" асарида учратишмиз мумкин.

Чунонча, "Минг бир кечা" асарнинг биринчи жилдида "Савдогар Айуб билан унинг ўғли Фаним ибни Айуб" хикояти бор^[4;343]. Ундаги хикоят тафсилотига аҳамият берсан, воқеалар ривожи давомида кўйидагича лавҳа келади: Савдогар ўғли Фаним отасининг молини олиб, Бағдодда ишларини юритишини бошлайди. Шундай кунларнинг бирида Фаним бир савдогар – марҳумнинг таъзиясига бориб, кечга қолади. Натижада шаҳар дарвозалари беркитилади. Тонг отишини кутиш мақсадида шаҳарга якин қабристонга бориб, бир кенг мақбара ичига киради ва яхшигина жойлашиб олади. Шу пайт ташқаридан уч кул бир сандик кўтариб келиб, шу мақбарага тушишиади. Улар чарчаб, дам олганида бир-бирига ўз бошидан кечиргандарини сўзлайди. Бизнинг ўтиборимизни жалб қилган нарса уч кулнинг иккинчиси сўзлаб берган воқеадир:

"Куллардан иккинчиси сўз бошлабди: "Мен, – деди у, – саккиз ёшлик вақтимда кулфуруш хўжайнинмни ҳар йил бир мартағина ёлғон гапириб алдар эдим. Бир кун ёлғонимдан тинчсизланган хўжайнин мени даллолга топширди. Айбимни айтиб сотишга буюрди. "Айби нима?" - деб сўради даллол. "Йилда бир марта ёлғон гапиради", – деди хўжайнин".

Бу лавҳа "Шум бола" асарида кизиқарлилик даражасини оширган лавҳалардан бирига жуда ҳам ўхшаб кетади. Эсланг: асар қаҳрамони "Шум бола"нинг Сарбой деган бир бойнинг кўлида ишлаш учун бой билан бўлаётган сұхбати:

– Бойбува, – дедим, энди-ку, савдомиз пишди. Шариат юзасидан мол соттанды ҳамма айбини айтиб сотса ҳалол бўлар экан. Менинг ҳам бир айбим бор, шуну бошдан айтиб кўйганим яхши.

– Хўш, нима айбинг бор? Сийгокмисан, тутқаноқмисан?

– Йўқ, айбим бу эмас, айбим шуки, ёшлигимдан одат бўлиб колган, ҳар замон ҳар замонда беихтиёр ёлғон гапириб кўяман, шунда койимасангиз бас. Хизмат ҳаққи, майли, сиз айтганча бўлсин.

– Обо баччагар-эй, кув кўринасан-а, ҳа, майли-майли, лекин кўп ёлғонламагин!"^[3;141]

"Минг бир кечা"да эса иккинчи кулнинг йилда бир марта ёлғон гапириши исботи сифатида хикоятда яна кўйидаги лавҳалар келтирилади: Шаҳар ташқарисида зиёфат уюштирган бойнинг уйидан бир нарсани олиб келиш учун юборилган ҳалити "Ёлғончи" кул бойнинг ҳовлисига яқинлашгач, овози борича додлаб йиглашни бошлайди. "Хўжайниннинг хотини, кизи ҳам овозимни эшигтан экан, эшикни очиб чиқишиди. "Нима гап?! – деб сўрашди мендан.

– Хўжайнин меҳмонлари билан бир эски похса девор остида ўтиришган эди. Похса ағдарилиб тушди. Бу воқеани кўриб нима килишимни билмай, тезроқ сизларга билдириш учун ҳаҷирни миниб йўлга тушдим, – дедим мен"^[4;350].

Шундан сўнг бойнинг хотини ва кизи дод-вой солиб йўлга равона бўлишади. Улардан олдинрок бойнинг олдига етиб келган кул энди бойга ёлғон тўқииди: "Мен уйга кириб қарасам, – дедим .Иғи аралаш, – уйнинг девори йикилиб, нури қашмаларингизни босиб қолган экан.

"Хотиним омонми?! – деди у ҳаяжонланиб, "Ҳеч ким омон колмаган, – дедим ."Кичик қизимчи?" – деди у ҳовликиб. "Йўқ", – деб жавоб бердим. "Ҳаҷир-чи?" "Йўқ! Хурматли хўжайнин, – дедим мен, – уй ва молхона деворлари ағанаб тушган, ҳатто товук, хўроздар ҳам омон колмай, ҳаммаси ҳалов бўлган. Гўштларини аллақачон кучуклар еб битирган"^[4;350].

Адаб Faafur Fулом қаҳрамони шум боланинг ёлғони эса, бойнинг ёнига бориб, дандон сопли пичоқнинг синиши, унинг този ит терисини шилишда сингани, итнинг ҳаром ўлган от гўштини еб ўлгани, у от бойнинг севимли тўриқ қашка оти эканлиги, от аравага кўшилганда ўлгани, ўтни ўчириш учун ундан фойдаланмокчи бўлишгани ҳақида сўзлашидан иборат.

– Кўргон ҳам ёнди, омбор ҳам ёнди, оғилхона ҳам ёнди, отлар ҳам ўлди, итингиз ҳам ўлди, пичоғингиз синди"...

LITERARY CRITICISM

Шу аснода бола бойнинг жондан азиз севган ўғли Бўрибойваччанинг теракка чумчук боласини оламан, деб йикилиб жон берганича бўлган ёлғонларни тўқиёдди. "Бой ортиқ чида буролмади. Хушидан кетиб, йикилди".

Эътибор берсак,Faфур Гулом ўз асарида "Минг бир кечা"даги юқорида зикр этилган ҳикояти лавҳаларидан моҳирона фойдаланган. Чунки, "Минг бир кечা"дек йирик асарга нисбатан ҳикоятнинг мазкур лавҳалари бир томчидек кўринса, Faфур Гуломнинг "Шум бола" асаридаги мазкур ўхшаш лавҳалар асарни кизиқарли чиқишига олиб келган ҳамда бир-биридан завқли лавҳалар ичда энг юқори чўққини эгаллаган. Чунки ёзувчи "Минг бир кечা" ҳикоятидаги қулиниг тўқиган ёлғонларни бир оз ўзгартириб, бир оз кенгайтириб, шум бола образига сингдириб, унга ўзбекона рух багишлаган. Бироқ Максуд Шайхзода таъбири билан айтганда, "ўзбек шеъриятинин ўтли юраги бўлган шоир, ҳакиқатда, олов ичра умр кечириб, ўзидан кейинги авлодларга олов нафаси билан таъсир эта олган инсон"[5] Faфур Гуломга ёзиш учун мавзуу каммиди, деган масала ҳам кўйилиши эктимолдан холи эмас. "Faфур Гулом онг остида ҳамиша руҳий эркинликка ташниаликда яшаб келган. Ҳукмрон мафкура тазйики остида бу ташниалик яна ҳам ортган. Руҳий ташниаликни ифодалаш учун унга рамзиј образ айнан Шум бола керак эди"[6], – деб ёзди Р. Умурзоков. "Ёзувчи Шум бола тили билан юрагидаги бор гапни тўкиб солган, Чор Россиясининг Туркистонни эгаллагандан сўнг ижтимоий тузум, жамият, ҳукук, сиёсат, ахлоқдаги ўзгаришларни ўзига хос тарзда ёринган"[5], – деб ёзди фикрини билдиради олим Н.Бозорова ўз мақоласида. Олиманинг бу борадаги хуласаларига кўшилган ҳолда адид Faфур Гуломнинг ўз асарини китобхонга тақдим этишда у ўзбек адабиёти равнакига катта ҳисса кўшганинги эътироф этамиш.

Faфур Гуломнинг ушбу асари асосида ишланган кинофильм ҳалқимиз ичда жуда машҳур ва у бошка тилларга ҳам таржима килинган. F.Гулом нафакат "Шум бола" асари билан балки, биз билган шеърият оламидаги "Вақт", "Согиниш", "Кутиш", "Алишер", "Сен етим эмассан" каби бетакор шеърлари ҳамда меҳр ва ҳамдардликнинг шарқона намунаси бўлган "Менинг ўтиргина болам", "Ёдгор" каби асарлари билан адабиёт оламиди ўз ўрнига эга. "Faфур Гулом бетакор шеърияти ва "Шум бола" асари билан ўзига хос мактаб яратди, кўплаб қаламкашларни орқасидан эргаштириди, устоз санъаткор, деб тан олинди"[7], – деб ёзди олима Д. Расулуҳаммадова. Дарҳакиқат, адид "Шум бола" асари билан ҳалқ қалбига кириб борди, йиллар оша, асрлар оша ўз жозибаси, ўқимишлилик кучини йўқотмайдиган бир ўлмас асар яратишга ёришди. Бундай асарнинг бунёд бўлишига табиийки, "Минг бир кечा" асарининг ҳиссаси бекёслигини тан олмай иложимиз йўк.

Юқорида кайд этиб ўтилган адаблардан ташқари, яна ўзбек болалар адаби Худойберди Тўхтабоев ижодида ҳам "Минг бир кечা" асари ҳикоятиларидан таъсириланиши ҳолларини кузатиш мумкин. Чунончи, адабнинг "Сариқ девни миниб"[8;236] асари барча ўзбек китобхонларига яхши таниш. Асарнинг бош қаҳрамони Ҳошимжоннинг сехрли қалпоғини ҳеч бир китобхон осонгина унуга олмайди. Ундаги воқеалар йиллар ўтиб ҳам китобхон онгига гавдаланаверади. Бу эса табиийки, муаллифнинг маҳорат даражасини белгилайди. X.Тўхтабоевга катта шуҳрат келтирган асар ҳам унинг мазкур асари ҳисбланади.

"Сариқ девни миниб" асарига бежиз тўхтамадик, чунки унда "Минг бир кечা" асаридаги "Басралик Ҳасан қисаси"[9;189] ҳикояти сюжетидаги айрим лавҳаларга ўхшаб кетадиган ўрнлар учрайди. Бироқ қаҳрамонлар – Ҳошимжон билан Ҳасан ўртасида умумий ўхшашлик мавжуд бўлмасада, "Сариқ девни миниб"даги сехрли қалпоқ foяси "Минг бир кечা"ни десак, янглишмаймиз.

"Басралик Ҳасан" қисасида қаҳрамон – Ҳасан ўз ёри ва болаларини ёвузлар чангалидан куткариш учун йўлга тушади ва узоқ йўл босиши асосида кўпгина кийинчилкларга дуч келади. Ниҳоят, тақдир тақозоси билан икки болакайга дуч келиб, улар кўлидан оталаридан қолган сехрли қалпоқ ва таёқни олиб кўяди. Ҳикоят воқеалари ечими ана шу сехрли қалпоқ ва таёққа бориб тақалади. Ҳасан ўша буюмлар орқали ва уларнинг ёрдами билан ёвузлардан ўч олишга, натижада хотини ва болаларини куткаришга ёришади. Ҳикоят одатдагидек яхшилик билан тутайди. Адид X.Тўхтабоевнинг қаҳрамони – Ҳошимжон эса мактаб ўқувчиси, табиатан кулдирувчан, унинг нутки ҳазил-мутойиба, киноя-кесатикларга ниҳоятда бой. У бир оз мугомбир, шўх бола. Унинг меҳнатга сира тоби йўқ, ҳар соҳада, ҳар доим осон йўл қидиради. Шу орада бирдан унинг иши юришиб кетади. Хоҳлаган нарсасини муҳайё этадиган афсонавий сехрли қалпоқчани топиб олади ва у билан сайрга чиқади. Шу жойга келиб, бири-биридан кизик, бири-биридан куялди гаройиб саргузаштлар бошланниб кетади. Бироқ Ҳошимжонга сехрли қалпоқча ҳам кўмак беролмайди. Сехрли қалпоқча муҳайё этган имкониятлар ҳар сафар кутилмаган кўнгилсиз оқибатларга олиб келаверади, қаҳрамоннинг баҳти энди куляй деб турганда, ишнинг пачаваси чиқиб қолаверади. Муаллифнинг мақсади аник, ҳеч бир муваффакиятга меҳнатсиз ёришиб бўлмайди. Кўп воқеаларни бошидан кечирган қаҳрамон асар охирида бошқача

LITERARY CRITICISM

киёфага киради, орзу-хавасларга элтадиган чинакам йўл – кунт билан ўқишида, меҳнатда эканига тўла ишонч ҳосил қиласди. Бунда кичкина китобхон қаҳрамон саргузашти орқали муаллиф мақсадини осонгина тушуниб олади.

“Минг бир кеча” асари лавҳаларининг ўзбек адабиётидаги бадний синтезини яна кўплаб давом эттиришимиз мумкин.

Хулоса. Ўзбек халқи, хусусан, адиллари бу муazzам асардан баҳраманд бўлиш натижасида ўз асарларида унинг энг “каймок” саҳналарини сингдиришига ҳаракат қилганлар. Боиси “Минг бир кеча”нинг халқ асари, халқнинг ўй-фикрлари, орзу-умидлари, қолаверса, тарихи, кечмиши ифода этилгани ҳамда асар тилининг соддалиги, равонлиги, сюжетларнинг ранг-баранглиги катта-ю кичикни бирдек ўзига мафтун эта олишилиги, бутун дунё халқларини ўзига ром этиб келганлигидадир. Адилларнинг “Минг бир кеча” асари лавҳаларидан олган таассуротларини ўз асарларида уларни бир оз ўзгартириб, унинг қаҳрамонлари хатти-харакатларини ўз асарлари қаҳрамонлари руҳига зукколик билан сингдириб, ўз даврлари китобхон турмуш-маданиятига мослаб, ўзига хос тарзда фойдаланганликлари уларнинг юксак истеъод, ўтқир зехн ва хассослик хусусиятларини намоён этган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ҳамза. Танланган асарлар. / Таҳрир ҳайъати К. Яшин ва бошқ. – Т.: 1981. 4 жилдик. Ж. 4. – Б. 73.
2. <http://ulugbekhamdam.uz/> Ҳамзам У.Ҳамза – янги ўзбек адабиёти асосчиларидан бири.
3. Гулом F. Шум бола. – Т.: Шарқ, 2012. – 141 б.
4. Минг бир кеча. Араб эртаклари. / С.Муталлибов тарж. – Т.: Ўзадабийнашр, 1959. Ж 1. – Б. 343.
5. www.tsul.uz. Бозорова Н. “Шум бола”даги эпизодик киноя ҳақида.
6. www.saviya.uz. Умурзоков Р. XX аср ўзбек қиссачилигига бола образи.
7. <https://tsul.uz>. Расулмуҳаммедова Д. Руҳий эркинликка йўғерилган аччиқ ҳақиқат.
8. Тўхтабоев Х. Сариқ девни миниб. – Т.: F.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашрёти. 1985. – Б. 236.
9. Минг бир кеча. Араб эртаклари. / A.Расулов таржимаси. – Т.: Ўзадабийнашр, 1963. 8 ж. Ж. 7. – Б. 189.
10. Kadirovna A. Z., Oxujjonovna S. K., Bakaevna R. M. The influence of the ideas of the hurufism sect on Nasimi's work //The journal of contemporary issues in business and government. – 2021. – Т. 27. – №. 2. – С. 5541-5549.